

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Л. Бегимкулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосиёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматкулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>М.Хамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Саидова</b>	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>

УДК: 413+415.412

## ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО ЖИҲАТИДАН ЎЗГАРИШИ

## ИЗМЕНЕНИЕ ЛЕКСИКИ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА В ОТНОШЕНИИ ФОРМЫ И ЗНАЧЕНИЯ

## CHANGES OF UZBEK LEXICON IN THE FORM AND MEANING

Г.Розиқова<sup>1</sup>, Э.Маруфова<sup>2</sup><sup>1</sup>Г.Розиқова

– ФарДУ, филология фанлари номзоди, доцент.

<sup>2</sup>Э.Маруфова

– ФарДУ, лингвистика: ўзбек тили йўналиши магистранти

**Аннотация**

Мақолада ўзбек тили луғат тизимининг ривожда семантик тараққиётига доир маълумотлар берилган. Бунда тилимизнинг турли даврларига оид ёзма ёдгорликлар лексикаси ва ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғат таркиби қиёсланган.

**Аннотация**

В статье представлена информация о семантическом развитии словарной системы узбекского языка. Сопоставляется лексика письменных памятников разных периодов нашего языка и лексический состав современного узбекского литературного языка.

**Annotation**

This article provides information on the semantic development of the Uzbek language dictionary system. It compares the lexicon of written monuments of different periods of our language and the lexical structure of the modern Uzbek literary language.

**Таянч сўз ва иборалар:** семантик тараққиёт, тарихий тараққиёт, луғат таркиби, маъно кенгайиши, маъно тарайиши, семантика, луғат системаси, луғавий бирлик, маъно, кўчма маъно, валентлик, этимология, семантик майдон.

**Ключевые слова и выражения:** семантическое развитие, историческое развитие, лексическая структура, семантическое расширение, семантическое сужение, семантика, лексическая система, лексическое единство, значение, переносное значение, валентность, этимология, семантическое поле.

**Keywords and expressions:** semantic development, historical development, lexical structure, semantic expansion, semantic narrowing, semantics, lexical system, lexical unity, meaning, figurative meaning, valence, etymology, semantic field.

Тил луғат системасининг ривожда семантик тараққиёт ҳам муҳим аҳамиятга эга. Семантик тараққиёт деганда тилдаги мавжуд луғавий бирликларнинг маъно нуқтаи назаридан ривожини англашилади. Бунда лексема маъносининг тарайиши ёки кенгайиши тушунилади. “Тил луғат таркибидаги ўзгаришлар – ундаги янгиланишлар турли даврларда маълум меъёрлар асосида юз беради” [5,48]. Семантик тараққиёт ҳам тилнинг табиатидан келиб чиқадиган қонуний ҳодиса, яъни бу ҳодиса тилнинг ихчамликка, соддаликка, қулайликка интилиш каби хусусиятлари билан боғлиқ. Ўзбек тилидаги қуйидаги лексемаларнинг семантик структурасида тил тараққиёти давомида бир қатор ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин:

**алқиндӣ** – тамом бўлди, тугади. **алқиндӣ нең** – нарса бутунлай тамом бўлди. **эр**

**алқиндӣ** – одам ўлди. Алқинди лексемаси “Тўнюқуқ” битиктошида ҳам “Девони луғот-ут турк”дагидек маънода қўлланган: *Тәһри анса тәмис әринс: Қан бәртим, қаніһин қодуп ишқиди, ишқидӣк ишқин тәһри ол тәмис әринс, тўрк бодун олти, алқиндӣ, ёқ болтӣ, тўрк сир бодун йәринтә бод қалмадӣ, йда ташда қалмисӣ қобраніп, йәти йўз болтӣ: әки йлўғи атлӣғ әрти, бир йлўғи ядағ әрти. - Танғри шундай деган шекилли: “Хон бердим, хонинғи қўйиб, таслим бўлдинғ”. Таслим бўлғани учун танғри “ўл” деган [яъни қарғаган] шекилли, турк халқи ўлди, тугади, йўқ бўлди, турк сир халқи ерида (ҳеч бир) уруғ қолмади. Тўқайда, тоғу тошда қолғани тўпланиб, етти юз киши бўлди. Ҳозирда алқинди сўзи ўзбек тили луғат таркибида бундай маънода қўлланмайди, тилимизда фақат совуннинг қолдиғи, яъни тугаётган қисми тарзидагина сақланиб қолган.*

**ачинди** – сийлади. **бэз эрин ачинди** – бек аскарларини сийлади, уларга едирди, марҳамат қилди. **эр атин ачинди** – одам отига ғамхўрлик қилди, ем-хашакларга тўйдирди [2,208]. Эски туркий тил даврига оид ушбу манбада **ачинди** сўзи “сийламоқ” маъносида қўлланган, ҳозирги ўзбек адабий тилида мазкур лексема қуйидаги семаларга эга: Ачинмоқ 1. Раҳм, куюниш ҳиссини туймоқ; куюнмоқ. 2. Афсус аралаш ранжимоқ, хафа бўлмоқ, ўкинмоқ. –Бу гапни бекор бошлаб қўйибман, - деб ачинди Қудрат. Х. Назир. [4,121].

**бағир** – жигар. Ҳеч кимга бўйин эгмовчи кишини **бэдўк бағирлиғ** деб юритилади. Бағри бутун демакдир [2,341]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бағир сўзи жигар, тананинг бўйиндан қорингача бўлган қисми, кучоқ, ҳимоя, паноҳ, ён; поэтикада юрак, қалб, дил; жуғрофий ҳудуднинг ён, нишаб томони; улкан чўзилган ҳудудли макон, фазо. Юқоридаги бағри бутун ибораси бугунги кунда ғамсиз, ташвишсиз, беармон маъноларида қўлланади. Бундан ташқари, ҳозирда бағир сўзи қуйидаги иборалар таркибида қўлланади: **бағри доғли, бағри кабоб, бағри қон, бағри хун** [ўта ғамли, қайғули, куйиб адо бўлган, тамоман умидсиз], **бағри кенг, бағри куймоқ, бағри қора, бағрини кўтариб олмоқ, ер бағрида.**

**башақ** - тўпуқ [чигилча]. Ўғуз ва қипчоқлар мим [м] орттириб, **башмақ дейдилар** [2,359]. Ушбу сўз “тўпиқ, яъни болдир суягининг пастки учидаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми” маъносини ифодалаган. **Бошмоқ** сўзи тилимизда қуйидаги маъноларни ифодалайди: *кигиз этик, пийма; умуман оёқ кийими.* ... у ҳали бола, кичкина бола, оёқларида эчки терисидан тикилган кичкина бошмоқчалар. М.М.Дўст, Лолазор. [4,342]. Изоҳлардан кўриниб турибдики, **бошмоқ** сўзида маъно алоқадорлик асосида кўчган бўлиб, оёқ кийим маъносига хослашган.

**эрилди: там эрилди** – девор рахналанди, тепа қисми нуради. Бошқаларга ҳам бу сўз ишлатилади. Шунинг каби **тўлин ой, ой охирига қадар аста-секин камайиб боришига ҳам ај эрилди дейилади.** [2,268]. Эримок сўзини биз ҳозирда “иссиқлик ёки бошқа таъсир натижасида парчаланиб йўқ бўлмоқ” [4,46] маъносида қўллаймиз. XI-XII асрларда “нурамоқ” маъносида қўлланган **эримок** сўзи

Ҳозирги ўзбек тилида “қандайдир таъсир натижасида йўқ бўлмоқ” маъносида истеъмолда бўлмоқда. Ушбу сўз деворга нисбатан қўлланганда “девор нураб, аста-секин йўқолади” маъносини англатган бўлса, **эримок** сўзи ҳозирда “суяқлик таркибига сингиб кетди” маъносида қўлланмоқда. Масалан, *шакар эриди.* Демак, мазкур лексема семантикасидаги ўзгариш сўз валентлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. “Сўзлар семантик майдонини лингвистик-семантик асосда тадқиқ этиш яна шу майдонга мансуб сўзларнинг семантик тараққиётини аниқлаш ва уларнинг бошқа сўзлар билан синтагматик муносабатини ҳам кўрсатиш имконини беради” [3,15].

**Эшўк** – ёпинчиқ маъносидаги ушбу сўз “ёлди, ўради” маъносидаги **эшўди** феълидан ясалган [2,54]. **Эшик** сўзи А.Навоий асарларида “эшик, дарвоза; уй, ҳовли; даргоҳ, сарой; атроф, ташқари” [1,569] каби маъноларда қўлланган, бироқ бунда “ёпинчиқ” маъноси кўзга ташланмайди, **эшуди** феъли эса қўлланмаган. **Эшуди** феъли эски ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиққан. Бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам мавжуд бўлмаса-да, **эшик** сўзи фаол лексик қатлам таркибига киради. **Эшик:** 1. *Уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатилган, очиб-ёпиб туриладиган қурилиш буюми.* Икки табақали эшик. Кўча эшиги. Ҳовли эшиги. 2. *Умуман одам, жонивор, нарсалар жойлашадиган қурилма, мосламаларнинг кириб-чиқилладиган, очилиб ёпиладиган қисми.* Самолётнинг эшиги. Қафаснинг эшиги. 3. *Ҳовли, уй-жой, хонадон маъносида шевада қўлланади. Эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган.* Ойбек “Қутлуғ қон”. 4. *Ташқари, ташқари майдон, кўча.* Эшик совуқ. [4,64]. Юқоридаги маънолардан ташқари, мазкур сўз фразеологик бирликлар таркибида ҳам қўлланади. Масалан, *эшикка чиқмоқ, эшик қоқмоқ* каби. **Эшик** сўзининг семемалари сон жиҳатидан кенгайган. Мазкур ҳолат сўз этимологиясидаги “ёпмоқ” маъноси билан алоқадор, яъни уйнинг эшиги уйни ташқаридан ёпиб туради, кириб-чиқиш учун хизмат қилади ҳамда маълум бир маънода ҳимоя ҳам қилади. Шунингдек, қафас, хона, автобус кабиларда ҳам худди шу вазифаларни бажаради. Демак, **эшик** сўзи ҳам шаклий, ҳам маъновий ўзгаришга учраган.

**кэсак** - нарсанинг бўлаги, парчаси. **бир кэсак этмак** – бир парча нон [2,372]. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ушбу лексема семемалари Махмуд Кошғарий томонидан берилган сўзнинг изоҳига боғлиқ, лекин маъно ўзгаришига учраганлигини кўрамиз. *қотган, қуриган лой бўлаги* (Ичкаридан ҳам чертиш товуши эшитилгандан кейин, ердан бир кэсак олиб, деразага катта ҳарф билан “мен” сўзини тескари ёзди), *гувала* (кэсак девор), *кўчма маънода ҳис-туйғуси йўқ, хушсиз; ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган, яъни кэсакка нисбат берилади* [4,355]. Демак, кэсак сўзининг семалари миқдори кенгайган ҳатто кўчма маънолилиқни ҳам мавжуд, шу билан бирга кэсак сўзининг маъноси XI-XII асрда умуман бирор нарсанинг бўлаги тарзида бугунги семантик майдонига нисбатан кенгроқ мазмунни ифодалаган, гарчи кўчма маънолар ҳисобига кенгаймаган бўлса-да.

**оғурладӣ** – ўз вақтида қилди, ўғирлади. **Эр ишин оғурладӣ** – одам ишини қилишга умид қилди, умид қилди ва ўз вақтида қилди. **Эр тавар оғурладӣ** – одам мол ўғирлади, чунки фурсат пойлаб турган эди.

**Бэгим өзін оғурладӣ**

**Жарағ биліб оғурладӣ**

**Улуғ тэңри агірладӣ**

**Аннин қут қуу тўри тугдӣ**

*Тангутларнинг беги душманни қўлга тушириш учун пистирмага яширинганини таърифлаб ёзади: бегим фурсат кутиб, ўзини аскардан четга олиб яширинди, Худо унга зафар берди. Кўкраги кўтарилиб, бахти, кучи, давлати ортди* [2,294].

Ушбу тўртликдан яна ўғирламоқ лексемасининг “ўзини яширмақ” маъноси ҳам маълум бўляпти. Девонда бу сўз билан боғлиқ ўғри сўзи яна куйидаги маънода ҳам келган:

**Ігладӣ мэнің азақ**

**Көрмәзіб оғрӣ тузақ**

**Ікләдӣм андӣн узақ**

**Эмләгіл эмдӣ тузақ**

*Яширин тузоқни кўрмай, менинг оёғим илинди, узоқ вақт қийналдим, эй севиклим, энди ўзинг давола* [2,361]. Мисолдан кўринадики, бу ўринда ўғри сўзи яширин маъносида қўлланган бўлиб, мазкур маъно ҳозирда ушбу лексемага хос эмас. *Уғри* сўзи Алишер Навоий асарларида ҳам қўлланган: ... балки насиҳатни юшоғ, чучук тил била

*қилурлар, ҳаттоки ўғриғача* [1,622]. Ҳозирда ўғри ва ўғирламоқ лексемалари фаол лексик қатлам таркибига киради. *Ўғирламоқ 1. Ўзганинг нарсасини хуфиёна олмоқ, олиб кетмоқ; қонунга хилоф равишда ўзлаштирамоқ. Отасининг пулини ўғирлаб, харажат қилаверибди-да. Ойбек, Танланган асарлар. 2. Кимсани бошқаларга билдирмасдан зўрлаб олиб қочмоқ. Ҳасаналини болалик вақтида Эрондан киши ўғирлаб келувчи бир одам қўлидан Отабекнинг бобоси ўн беш тилло баробарига сотиб олган эди. А.Қодирий, Ўтган кунлар. 3. кўчма. Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсани хуфиёна олмоқ, ундан айирмоқ, уни йўқ қилмоқ. Жаҳолат ёмон нарса айланай ундан ақлини ўғирлаб, фожиага етаклайди. “Муштум”. Бизнинг фикримизча, ўғирламоқ сўзи дастлаб “фурсатдан фойдаланмоқ” маъносида ишлатилиб, айнан шу маънодан “яшириб олиб қўйиш” маноси ва ундан кўчма маънолар келиб чиққан. Демак, ўғирламоқ лексемасининг “ишни вақтида қилди” семаси ҳозирда ўзбек тилининг истеъмол доирасида эмас, юқорида кўрсатилганидек, сўзнинг семантик майдони кенгайган.*

**пучуқ** – кесилган, шикастланган, пачоқ нарса. *Хар нарсанинг ярмига ҳам пучуқ дейилади. Пучуқ жармақ – ярим танга* [2,358]. *Пучуқ* сўзи бугунги кунда *ясси, ёпишган ёки шикастланган* [бурун ҳақида]. Болаларга нисбатан эркалаш каби маъноларда ишлатилади. *Пучуқ қизим, мунча ширинсан. Пучуқ сўзининг “яримта” маъноси ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд эмас, бироқ унинг юқоридаги “ясси, ёпишган” маънолари ҳисобига кенгайганини кўришимиз мумкин.*

**тўмән** – ҳар нарсанинг кўпи. **тўмән-тўрлўк сўзләдӣ** – ҳар хил сўзлар сўзлади ёки турли-туман сўзлади. **тўмән** – минг. **тўмән миң** – минг-минг, минг туман, минг марта, бир миллион. **тўмән миң жармақ** – бир миллион танга [2,382]. *Туман* сўзи ҳозирда омоним ҳамда кўп маъноли сўз хисобланади. Айнан кўп семасини англатувчи *туман* сўзи ҳозирда ҳам мавжуд. *Туман* ўн минг сонини англатади, девонда эса унинг минг сонини ифодалаганини юқоридаги ҳавола орқали биламиз.

**тўгмә** - кўйлак, чопон ва қалпоқлар боғичи, тугмаси [2,406]. *Тугма* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилимизда фаол

лексемалардан бири, ушбу лексема *кийим, ғилоф ва шу кабиларнинг четига қадаладиган, одатда тўғарак шаклидаги тутқич. Иккинчи маъноси улагич кнопка* [4,176]. Бунда предметни номлаш унинг вазифавий томони билан алоқадор бўлиб, дастлаб боғич маъносидан келиб чиққан. Боғичлар ҳам кийимларни бирлаштириш вазифасини бажаради. Кейинчалик кийимларни бирлаштирувчи тутқич семаси асосида сўз маъноси кўчган, яъни кўчим тури вазифадошлик негизида содир бўлган. XXI аср ахборот ва телекоммуникациялар даврида тугма сўзининг яна бир маъноси қўнғироқ тугмаси, телефон тугмаси, клавиатура тугмаси каби семалари ҳам юзага келган.

*чўқитиш* – фойда, манфаат. *ол ишда чўқитиш жоқ* – у ишда фойда йўқ [2,349]. Ҳозирда *чиқим* сўзи “даромад, фойда” маъносида эмас, балки *сарфланадиган маблағ, харажат* маъносида ишлатилишини, сўз маъносида энантиосемия ҳодисаси юз берганини кўришимиз мумкин. *Чиқимига қараб кирими.* [Мақол]

Янги пайдо бўлаётган нарса-ҳодиса, тушунчаларни ифодалашда тилда бор луғавий бирликлардан фойдаланиш, бунинг натижасида сўзларнинг янги маънога эга бўлиб бориши, кўп маънолилиқнинг юзага келиши ва ривожланиши қонуний бўлиб, бу нарса ривожланаётган ҳар бир тил учун хосдир.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III том – Т.: Фан, 1984.
2. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. – Т., 1963.
3. Mirtojibev M.M. O'zbek tili semasiologiyasi. – Т.: Mumtoz so'z. 2010.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I, B том: – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
5. Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан 1981.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).